



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING
QARORI**

*O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 yil "25" fevral

№ 318

Yangibozor tumani

**"Бўстон" маҳалласидаги "BO'STON
TOMORQA PLUS" масъулияти
чекланган жамиятига ер майдони
ажратиб бериш тўғрисида**

"Бўстон" маҳалласидаги "BO'STON TOMORQA PLUS" МЧЖ раҳбари Н.Эгамбергенович аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб беришни ташкил этиш ҳамда иссиқхона қуриш учун ер майдони ажратиб бериш ҳақида ёзган аризасини кўриб чиқиб, "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинининг 03.02.2021 йилдаги билдиришномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.06.2020 йилдаги "Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4767-сонли қарори, "Ер кодекси"нинг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 10-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгибозор тумани "Бўстон" маҳалласидаги "BO'STON TOMORQA PLUS" МЧЖ раҳбари Н.Эгамбергенович аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб беришни ташкил этиш ҳамда иссиқхона қуриш учун ер майдони ажратиб бериш ҳақида ёзган аризасини талаби қаноатлантирилсин.
2. "BO'STON TOMORQA PLUS" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондида турган "Бўстон" массиви ҳудудидаги 340к-контуридаги умумий ер майдони 3.0 гектар, шундан суғориладиган экин ер майдони 3.0 гектар ер майдони 10 (ўн) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.
3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га, мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ер ҳисоботида тегишли ўзгартиришлар киритиш ва ижара шартномаси тузиш вазифаси топширилсин.

4. Тегишли ташкилот ва корхоналар ўзларининг ҳисоботларига ўзгартириш киритиши топширилсин.

5. "BO'STON TOMORQA PLUS" МЧЖ раҳбари Н.Эгамбергановага:
- жами ажратиб берилган 3.0 гектар ер майдонидан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш, иссиқхона қуриш, тупроқ унумдорлигини ошириб бориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирилишини ташкил этиш;
- ер ижара шартномасини тузиш, тегишли ташкилотларга ҳисоботларни ўз вақтида топшириш вазифалари юклатилсин.

6. Мазкур қарорнинг тасдиғи халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига киритилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Халметов зиммасига юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



У.Курбанов